O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 28 ноябрь, № 231 (4130) Сешанба

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги олдидан

Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида мамлакатимизда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, Бухоро, Самарқанд, Қарши ва бошқа шаҳар, қишлоқлар қиёфаси йилдан-йилга чирой очмоқда.

Буюк Ипак йўлида жойлашган Марғилон шаҳри ҳам жаҳонга машҳур орифу уламоларни, муҳаддисларни, шоиру фозилларни етиштирган. Бу кўҳна ва навқирон шаҳар ўзининг бой тарихи билан миллий қадриятларимиз шаклланиши ва ривожланишида алоҳида ўрин тутади.

ВОДИЙ ГАВҲАРИ

Сўнгги йилларда бу ерда тарихий ёдгорликлар ва зиёратгоҳларни таъмирлаш, уларни кўркам кошонага айлантириш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, Президентимиз томонидан қабул қилинган Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарор бу ишларни янада жонлантириб юборди. Юбилей муносабати билан айни кунларда шаҳарда 35 та объектда қурилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари тез ва сифатли олиб борилаяпти. Шунингдек, азиз қадамжолар "Пирсиддиқ" мажмуаси, "Улуғмозор" зиёратгоҳи, Жаҳон отин ва Увайсий мақбаралари, уй-музейлар қайтадан шакл-шамоил топаётгани Марғилон аҳлини беҳад қувонтирмоқда.

"Пирсиддиқ" мажмуаси энг қадимий масканлардан бири саналади. Бу ер "Каптармозор" номи билан ҳам машҳур. Қутлуғ тўй муносабати билан 1,5 гектар майдонни эгаллаган мазкур мажмуада "Жоме" масжиди ва зиёратхона барпо этилади. Тарихий манбаларда ушбу зиёратгоҳда улуғ бобомиз Бурҳониддин Марғинонийнинг чиллахонаси ҳам бўлгани битилган.

Шаҳарнинг "Машад" маҳалласида жойлашган "Улуғмозор" зиёратгоҳини бухоролик, Жаҳон отин ва Увайсий мақбара ва уй-музейларидаги бунёдкорлик ишларини самарқандлик ва қорақалпоғистонлик усталар олиб боришмоқда. Бир сўз билан айтганда, Марғилонда катта тўйга тайёргарлик ҳам жуда катта.

СУРАТЛАРДА: сайқал топаётган Марғилон; тўйга шаҳардаги корхоналар ҳам тўёна ҳозирлашмоқда.

М. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Оила давлат ҳимоясида: ютуқлар ва муаммолар" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. У Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Хотин-қизлар кенгаши ва Республика "Оила" илмий-амалий маркази ҳамкорлигида ўтказилди.

Оила давлат ҳимоясида: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллиги муносабати билан ташкил этилган мазкур тадбирда парламент қуйи палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, жамғармалар ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Айтиш жоизки, бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган барча жабҳалардаги ислоҳотларда хотин-қизлар манфаатларини қонуний ҳимоя қилишга, уларнинг оилалари фаровонлигини таъминлаш, вояга етмаганлар ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш ишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимиз Президенти томонидан хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга бағишланган иккита Фармонида (1995-2004 йиллар), Вазирлар Маҳкамасининг оилани, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилишга бағишланган қатор қарорларида ўз аксини топган. Албатта, хотин-қизлар учун, оила фаровонлигини таъминлашда давлат томонидан яратилаётган шарт-шароит ва имтиёзлар кам эмас. Бироқ, давра суҳбатида таъкидланганидек, баъзи бир ҳолларда уларнинг амалдаги ижросида сусткашликлар кузатилмоқда. Масалан, Меҳнат кодексида аёллар учун берилган қатор имтиёзларга риоя қилинмаяпти. Бунга айрим ҳолларда аёллар ҳуқуқий саводхонлигининг етишмаслиги сабаб бўлаётган бўлса, баъзан мутасадди ташкилот ва раҳбарларнинг масъулиятсизлиги ҳам кўзга ташланмоқда.

Шунингдек, тадбирда қишлоқ аёлларининг яшаш тарзи, уларни ўйлантираётган муаммолар хусусида сўз юритилди. Жумладан, аксарият қишлоқ жойларида мўъжаз кир ювиш ва кийимкечак тозалаш пунктлари, новвойхоналар, ҳаммомлар ташкил этилмаган. Шу ва бошқа масалалар тўғрисида холисона фикр юритилган давра суҳбатида мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан таклифлар билдирилди.

З. АШУРОВА.

Бахтинг ёруғ бўлсин, чақалоқ

160 минг аҳоли яшайдиган Қумқўрғон туманида ҳар куни ўртача 10 та чақалоқ туғилади. Шу чақалоқларнинг ғамини еб ҳоким ва ҳомий боболари, қурувчилар, шифокорлар бу йил катта иш қилишди. — Марказий шифохонанинг туғуруқхона мажмуига оз эмас, 250 миллион сўм маблағ харжлашиб, қулингўргулсин қилиб тубдан таъмирлаб, жиҳозлаб беришди. Кўрпа-кўрпачаларни янгилашдан тортиб бу ерга УЗИ аппарати, чақалоқлар инкубатори, жарроҳлик амалиёти учун замонавий асбоб-ускуналар олиб келинди.

Туман жамоатчилиги таъмирланган мажмуанинг очилиши тадбирини тантанали нишонлади. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н. Хонов ва Сурхондарё вилояти ҳокими А. Эшмуродов қатнашдилар.

О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Муносабат

Хорижий экспертлар Ўзбекистон Республикаси ТИВнинг Баёнотини ижобий баҳолашмоқда

Мамлакатимиз жамоатчилиги ўртасида қизғин муҳокама қилинаётган Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг АҚШ Давлат департаменти томонидан Ўзбекистон «диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар» рўйхатига киритилганлиги муносабати билан Баёноти хорижий экспертларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Хусусан, Чикаго (АҚШ) университетининг дин тарихи бўйича прфессори Патрик Хатчер фикрига кўра, Ўзбекистон ташқи сиёсат маҳкамасининг Баёноти, шубҳасиз, керакли тадбир. Ўзини ҳурмат қилган мамлакат, айниқса, унинг шаънига мутлақо адолатсиз танқид билдирилганда, жавоб қилиши керак. Қизиқ, давлат департаменти ҳар йили турли мавзу ва муносабатларга доир ўз рўйхатлари, маърузалари, рейтингларини эълон қилиб боради. Демак, мана шу ёзишмаларга жавоб қилишга тўғри келади. Устига-устак департамент ҳужжатларини баъзан ўзлари кўрмаган, билмаган мамлакатлар ҳақида оддий амалдорлар ёзишини назарда тутиш лозим, деб таъкидлади эксперт.

Польшалик руҳоний, Ўзбекистондаги рим-католик черковининг собиқ роҳиби Анджей Бялекнинг фикрича, ТИВнинг Баёноти мутлақо адолатли ва ундаги ҳар бир сўз остига имзо чекишга тайёр. Марказий Осиё мамлакатларидан бирортасида ҳам католиклар Ўзбекистондаги каби эътиборга сазовор эмаслар, бу ерда турли конфессияларнинг амал қилиши учун барча шароит яратилган, унинг халқи эса чинакам бағрикенгдир. Тошкент марказида католиклар даргоҳи қандай пайдо бўлганлиги ёдимда. Бу бино совет даврида омбор бўлган... Пойтахтнинг аввалги раҳбари ушбу эҳромни яратишга тўсқинлик қилганда биз Президент И. Каримовга мурожат қилгандик, у киши бизни қўллаб-қувватлади ва тарихий бино қайта бунёд бўлди, — деб таъкидлади А. Бялек.

АҚШ Давлат департаменти томонидан эълон қилинган «диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар» деб аталмиш рўйхатга Ўзбекистоннинг киритилиши асосида мамлакатимизга нисбатан билдирилган бундай асоссиз айблов Ўзбекистонда виждон ва диний ҳақ-ҳуқуқлар эркинлигининг таъминланиши юзасидан мавжуд реал аҳвол билан таниш бўлган кишиларнинг барчасида ҳайрат ва таассуф туйғуларини уйғотди.

ҲАҚИҚАТ АТРОФИДАГИ ЎЙИН

Мазкур рўйхат чоп этилганидан сўнг эълон қилинган Ташқи ишлар вазирлиги баёнотини шарҳлар экан, **«Труд» газетаси халқаро бўлимининг шарҳловчиси Геннадий Чародеев** қуйидаги фикрларни билдирди:

— АҚШ да ўнлаб ва юзлаб таҳлил марказлари, тадқиқот ишлари билан шуғулланадиган жамғармалар мавжудки, уларда Ўзбекистонда бирон марта ҳам бўлмаган, мамлакатнинг ўзига хос жиҳатларини билмайдиган кишилар ишлашади. Улар узоқ йиллар аввал ватанидан қочиб кетган, кўпдан бери ҳеч қандай алоқага эга бўлмаган, реал вазиятдан мутлақо бехабар бўлган «арбоблар» билан мулоқотда бўлишади. Айнан ўшаларнинг «холисона фикрлари» ва «шарҳлари» эса кўплаб жамғарма ва тадқиқот марказлари учун материал сифатида хизмат қилади. Жамғарма ва марказлар ўз олдига қўйилган вазифаларга мувофиқ, давлат тизимларига таклифларини беради. Улар Ўзбекистон ҳаёти билан боғлиқ аниқ реалликларни билишмайди ва билишни хоҳлашмайди, уларни шунчаки тўқиб чиқаришади.

Араб очиқ университети Кувайт филиали директори Фуад аль-Мекрад диний эркинликларни таъминлаш юзасидан Ўзбекистон эришган муваффақиятларни юқори баҳолади. Ўзбекистон тарихан ислом тараққиёти ривожига улкан ҳисса қўшган, буюк алломалар яшаб, ижод этган марказ бўлиб келганини қайд этар экан, кувайтлик олим Ўзбекистон раҳбариятининг бой маънавий-маданий меросни тиклашга йўналтирилган изчил қадамлари ҳозир ҳам замонавий авлод вакиллари учун катта қадр-қимматга эга эканини алоҳида таъкидлади.

— Ишончим комилки, эзгу ниятдан йироқ бўлганлар Ўзбекистоннинг диний соҳадаги улкан ютуқларига соя солишга қанчалик ва қай йўсинда ҳаракат қилишмасин, соғлом фикрли кишиларнинг барчаси диний эркинликни таъминлаш, турли диний конфессиялар вакиллари ўртасидаги муносабатларда ўзаро бағрикенглик билан ва тинч-тотув яшаш юзасидан Ўзбекистон тажрибасини тўғри тушунишади ва муносиб баҳолайдилар, — деди олим.

Кувайт университетининг ижтимоий фанлар факультети ҳузуридаги «Форс кўрфази — Европа» тадқиқот марказининг раҳбари, сиёсатшунослик кафедраси ўқитувчиси Хейла аль-Мукейми Ўзбекистонда бўлиб, бу ерда изчил ва вазмин диний сиёсат муваффақият билан рўёбга чиқарилаётганига шахсан ишонч ҳосил қилганини қайд этди.

— Ўзбекистонда турли миллат ва элат вакиллари ўзаро тинч ва аҳиллиқда яшаётгани, улар ўртасида бағрикенглик ҳамда ўзаро ҳурматнинг мавжудлиги диний эътиқод масаласида давлат сиёсатининг тўғри эканлигидан ҳамда у аҳоли томонидан тўла қўллаб-қувватланаётганидан далолат беради.

«Жаҳон» АА.

ЎЗБЕКИСТОН — ТИНЧЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК ДИЁРИ

Бизнинг мамлакатимизда барча дин вакилларининг эътиқод амалларини эмин-эркин адо этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилган, динлараро муроса ва бағрикенглик муҳити жамият ҳаётининг таркибий қисмига айланган. Тошкент ислом университетида бўлиб ўтган давра суҳбатида ана шу ҳақда сўз юритилди. Унда олимлар, мазкур олий ўқув юрти ўқитувчи ва талабалари иштирок этди.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг АҚШ Давлат департаменти томонидан мамлакатимиз "диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар" деб аталмиш рўйхатга асоссиз киритилгани муносабати билан билдирган баёнотига бағишланди.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб тинчлик ва тотувликни сақлаш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Тошкент ислом университети ректори Ш.Ёвқочев тадбирни очар экан, Конституциямиз мамлакатимизда ислом, насроний, яҳудо, католик каби барча динлар вакиллари ўзларининг эътиқод амалларини эркин амалга оширишининг мустаҳкам ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ушбу соҳада халқаро ҳуқуқларга тўлиқ мос келадиган "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Ўзбекистон айрим хорижлик сиёсатдонлар ва оммавий ахборот воситалари зўр бериб сингдиришга уринаётган халқаро террорчиликнинг муқаддас ислом дини билан боғлиқлиги ҳақидаги уйдирмаларга қарши ҳар доим принципиал ва изчил позицияни эгаллаб келмоқда.

Ўзбекистон — дунёвий давлат, айни пайтда у ҳақли равишда ислом маданияти ва фалсафасини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшаётган марказлардан бири ҳисобланади. Президент Ислом Каримовнинг 1999 йилдаги фармонига асосан ташкил этилган Тошкент ислом университетида ҳам бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда у МДҲ мамлакатларида бу йўналишдаги ягона давлат олий ўқув юрти ҳисобланади. Университетнинг иккита — ислом ҳуқуқи, иқтисодиёт ва табиий фанлар, ислом тарихи ва фалсафаси факультетида 700 нафардан ортиқ талаба билим олмоқда.

Халқаро ҳамжамият Ўзбекистонда динлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликка эришиш борасида катта тажриба тўплангани ва у бошқа давлатлар учун ҳам намуна бўлиши мумкинлигини кўп бор эътироф этган.

(Давоми 2-бетда).

Юртимиз ёш рассомлар нигоҳида

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Бадиий академияси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши билан ҳамкорликда Тошкент фотосуратлар уйида ёш рассомларнинг ижодий кўргазмасини ташкил этди. Мазкур тадбир таълим тизимидаги ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаш ва ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий-эстетик савиясини оширишга қаратилди. "Ўзбекистон ёш рассомлар нигоҳида" мавзуида ўтказилган асарлар намойишидан тасвирий санъат, графика ва амалий санъат йўналишида таҳсил олаётган ёшларнинг ижод намуналари жой олган. Республикамизнинг турли ҳудудларидан келган талабалар ўзлари яратган рангтасвир (портрет, натюрморт), графика (палакатлар) ва амалий санъат (наққошлик, ёғоч ўймакорлиги, миниатюра) асарлари билан иштирок этишяпти.

Тадбирда Тошкент рассомчилик ва дизайн институти талабалари яратган миллий либослар намойиши ҳам ўзига хос жозиба касб этди.

Кўргазма сўнгида ғолибларга совғалар, фахрий ёрлиқ ва дипломлар топширилди.

Шоира БОЙМУРОДОВА.

«Шарқ зиёкори» – китоблар маркази

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Қашқадарё вилояти китобсеварларига ажойиб совға туҳфа қилди. Қарши шаҳрида «Шарқ зиёкори» китоблар марказининг шўъба корхонаси ташкил этилди. Замонавий талабларга мос жиҳозланган бу савдо мажмуасидан «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни маҳсулотларидан ташқари мамлакатимиздаги барча нашриётларда чоп этилган дарсликлар, бадиий ва илмий адабиётлар, ўқув-методик қўлланмалар, кўргазмали воситаларни харид қилиш мумкин.

— Қашқадарё «Шарқ зиёкори» китоблар марказининг фирма савдо дўкони очилган тўртинчи вилоят бўлди, — дейди марказ директори Равшан Ҳамзаев. — Бу ерда харидорларнинг истаган китобни сотиб олишлари учун барча шароит яратилган. Китобнинг мазмуни билан батафсил танишиш учун ўқув зали ташкил этилган. Мазкур дўконда бўлмаган китоб харидорнинг буюртмасига кўра бошқа шаҳарлардан, ҳатто чет эллардан ҳам олиб келиб берилади.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Дунё нигоҳи

Те МУЭР,
Хитой Халқ Республикаси Миллатлар масалалари бўйича давлат қўмитаси ҳайъат аъзоси:

— Хитой ҳукумати миллий сиёсатининг бош йўналиши миллий автоном округлар ва районлар ривожланишини таъминлаш ҳамда қўллаб-қувватлаш бўлиб қолаверади. Кўпмиллатли Ўзбекистонда миллий сиёсатни амалга оширии тамойиллари билан танишиб, бу соҳада Республика байналмилал маданият маркази тажрибаси билан ҳамкорликни янада давом эттириш фойдали ва муҳим деган хулосага келдик.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати саккизинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси 2006 йил 30 ноябрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2006 йил 29 ноябрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН — ТИНЧЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК ДИЁРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртбошимизнинг шу мақсадга қаратилган оқилона сиёсати мамлакатимизда диний бағрикенглик муҳитини сақлаш билан бир қаторда бутун Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун муҳим омил бўлмоқда. Анжуманда университет проректори Ш.Акмалов, профессор А.Жуззжоний, талабалар Ш.Исломов, Ж.Каримов, А.Пўлатов ва бошқа қатнашчилар шу ҳақда гапирди.

Тадбирда АҚШ Давлат департаментининг мамлакатимизни дин эркинлигини таъминлашга риоя қилинмайдиган давлатлар рўйхатига киритгани кўпчиликни таажжубга солаётгани ва ўз тараққиёт йўлини танлаб олган ҳамда бу йўлдан оғишмай бораётган мустақил Ўзбекистонга қарши навбатдаги фитна экани таъкидланди. Бундай асоссиз таъналар ёшларимиз ўртасида маънавий-маърифий ишларни янада кучайтириш, шу орқали уларда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашни тақозо этади. Токи ёш авлод вакиллари ўз мамлакатининг муносиб фуқаролари, мустақил Ватанини ҳимоя қилишда собитқадам инсонлар бўлиб камол топсин.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

Кувайт делегацияси аёлларнинг ўзбек жамиятида муҳим ўрин тутганидан ҳайратланишди

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида аёллар тутган ўрин. Бу мамлакатимизда бўлган Кувайт алоқа вазири Маъсума Солиҳ ал-Муборак бошчилигидаги ушбу мамлакат делегацияси аъзолари билан мулоқот чоғида асосий мавзулардан бири бўлди.

Меҳмонлар бу ҳақда ўз фикрларини баён этишар экан, уларнинг барчаси Ўзбекистонда аёлларга нисбатан мавжуд бўлган эътибор ва ҳурмат-эҳтиромдан ҳайратда қолишганини қайта-қайта эътироф этдилар.

Жумладан, мазкур **делегация раҳбари аль-Муборак хоним** ўзларининг Тошкентга келгунларига қадар аёллар Ўзбекистон ҳаётида бу қадар катта ўрин тутиши ҳақида лозим даражадаги тасаввурга эга бўлишмаганини қайд этди.

— Бу ерда бир неча кун ичида ўзбек халқи оналарга, турмуш ўртоғига, опа-сингил, қизлари ва бувижоларига қай даражада ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлишини кўриб, рости ҳайратга тушдик, — деди у. — Энди биз мамлакат ҳаётида аёллар тутган ўринни, Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тараққиётига улар қўшаётган бебаҳо ҳиссани билиб олдик. Президент Ислом Каримов оналарга, аёллар ва опа-сингилжонларга қай даражада катта ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлаётганига биз ишонч ҳосил қилдик. Унинг аёлларга ҳурмат оилага ва жамиятга нисбатан ҳурматдир, деб айтган сўзлари мутлақо ҳақиқатдир. Бугун ўзбек аёли тутган ўрин барча мусулмон аёллари учун намуна рамзидир.

Кувайт олий таълим вазирининг ўринбосари доктор Рашо ас-Сабоҳнинг айтишича, ушбу ташриф Ўзбекистон ҳукуматининг жамиятда аёллар ўрни ва аҳамиятини оширишга қаратаётган катта эътиборини намоён этди.

— Мамлакат хотин-қизлар қўмитаси раҳбари Бош вазирнинг ўринбосари лавозимида эканлиги ҳукуматда аёллар тутадиган юқори мақомдан дарак беради, — деди Рашо ас-Сабоҳ хоним. — Аёлларнинг мамлакат ижтимоий ҳаётига фаол жалб этилаётгани, бизнес соҳасида фаолият кўрсатаётгани, ҳукуматда юқори лавозимларни эгаллашгани қандай яхши. Бугун Ўзбекистонда қабул қилинаётган қонунлар бу мақомни янада мустаҳкамлашга йўналтирилгани ҳам қувонарли ҳолдир.

"Ўзбек аёллари, дугоналаримиз жамиятда тутган ўрни қалбимизни фахр-ифтихорга бурқади, — деди **Кувайт университети профессори Лубна ал-Козий**. – Халқингиз ўзининг аёлларга нисбатан улкан ҳурмат-эҳтироми билан доим ном қозонган. Бу ерда бўлиб жамият ҳаётида ўзбек аёллари бебаҳо ўрин тутишига шахсан гувоҳ бўлдик.Улар эришган даража ҳар қанча тақсинга сазовор. Ташрифимиз чоғи Ўзбекистонда аёллар мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида қатнашаётганига, долзарб масалалар бўйича қарорлар қабул қилиниши жараёнига таъсир кўрсатиш имконига эга эканининг гувоҳи бўлдик".

Кувайт илмий тадқиқотлар институти Озиқ-овқат захиралари ва биология фанлари бўлими директори доктор Самира Умар Асим ҳам аёлларнинг Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштирокини юксак баҳолади.

— Бу аёлларнинг мамлакатда жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари экани, ўз қобилиятларини тўла намоён этиш имконига эга эканлигидан ҳамда турли соҳалар ривожига муносиб ҳисса қўшаётганликларидан далолат беради, — деб таъкидлади Самира Умар Асим хоним.

Кувайт нефть компанияси вакиласи Фотима ал-Абдали:

— Ўзбекистон парламентида кўплаб аёллар фаолият кўрсатаётгани ва улар учун махсус квотанинг мавжудлиги менда катта таассурот қолдирди. Мен ўзим яқинда Кувайтда ўтган парламент сайловларида иштирок этдим, бироқ, юртингиз аёлларидаги каби имкониятлар мавжуд бўлмагани боис депутатлик ваколатини қўлга кирита олмадим. Кувайтга қайтгач, ватандошларим билан Ўзбекистоннинг бу соҳадаги тажрибаси билан ўртоқлашиш ниятидаман.

Делегациянинг ташрифи ва унинг давомида ўтказилган учрашувлар Кувайт оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Жумладан, **"Ал-Қабас"** газетасининг қайд этишича, меҳмонлар ташрифидан кўзланган асосий мақсад "Ўзбекистон билан, унинг замонавий ютуқ-муваффақиятлари билан бевосита танишиш" билан изоҳланади. Нашр Кувайт олий таълим вазирининг ўринбосари Шайх Рашо ас-Сабоҳнинг қуйидаги сўзларини келтиради: "Кувайт делегацияси аёллардан ташкил топган ва шунинг учун унинг аъзолари ўзбек жамиятида аёллар тутган ўрин ҳақида, уларнинг ютуқлари ҳақида кўпроқ билишни, олим ва мутафаккирлари ислом цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган Ўзбекистоннинг таълим тизими билан яқиндан танишишни ният қилган эди".

Аёлларнинг Ўзбекистон жамиятида тутган ўрнига эътибор қаратар экан, **"Ал-Қабас"** мамлакат аҳолисининг 50 фоизи аёллардан ташкил топганини қайд этади. "Ишлаб чиқариш соҳасидагиларнинг 44 фоизи, таълим соҳаси ходимларининг 75 фоизи, суд-ҳуқуқ соҳаси вакилларининг 26 фоизи, қишлоқ хўжалигидагиларнинг 40 фоизи ва соғлиқни сақлаш тизимининг 18 фоиз ходими аёллардан иборат", — деб ёзади нашр.

"Ал-Сиёса" газетасида чоп этилган мақолада эса Ўзбекистон аёлларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётига жалб қилинганлик даражаси бўйича дунёда олтинчи ўринни эгаллаб тургани таъкидлангани ҳолда, бунга мустақиллик ва мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ва чуқур ислоҳотлар орқали эришилганига эътибор қаратилган.

Делегация вакиллари аёлларнинг Ўзбекистон ҳаётида тутган ўрнидан ҳайратланганини таъкидлашар экан, "Ал-Ватан" газетаси Кувайт томони икки мамлакат пойтахтлари ўртасида тўғридан-тўғри ҳаво қатновини йўлга қўйиш масаласини икки томонлама муносабатлар, айниқса сайёҳлик соҳасидаги алоқалар ривожининг муҳим омили сифатида кўраётганини маълум қилади.

"Жаҳон" АА.

Олий Мажлис Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси олдидан

Шу кунларда Олий Мажлис Сенати ялпи мажлиси муҳокамасига Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилган бир қатор қонунлар парламент юқори палатаси қўмиталарида ўрганилиб, тегишли хулосалар тайёрланмоқда. Ана шулардан бири — янги таҳрирдаги "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидир. Ушбу ҳужжат Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида атрофлича кўриб чиқилди. Бу ҳақда мазкур қўмита аъзоси Ҳамротош ШОДИЕВА билан суҳбатлашдик.

Эркин сўз минбари

— Ҳамротош Нормуродовна, келинг, суҳбатимизни янги Қонуннинг бугунги кунда қай даражада аҳамиятга эгалигидан бошласак.

— Маъқул. Янги таҳрирдаги "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонунни дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун қўмитамиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания, Ёзувчилар, Журналистларнинг ижодий уюшмалари ва бошқа ташкилотларнинг вакилларидан иборат ишчи гуруҳи ташкил этилди. Ва Қонун мутахассислар иштирокида обдон ўрганилди.

Айтиш жоизки, шиддат билан ўтиб бораётган бугунги давр ҳамма соҳада ўзгариш, янгиликни талаб қилади. Демак, бугунги кун оммавий ахборот воситалари ҳам замон билан ҳамнафас бўлиши керак. Зеро, Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганларидек, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикри ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, демократияни чуқурлаштириш ва аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки тўғрисида сўз юритиб бўлмайди. Янги таҳрирдаги "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонунни қабул қилишдан асосий мақсад ҳам шу. Яъни, ОАВ соҳасида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солиш, айниқса оммавий ахборот воситаларини яратиш, уларнинг фаолият кўрсатиши ва фаолиятини тўхтатиши соҳасида вужудга келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини оширишдан иборатдир.

— Янги таҳрирдаги Қонуннинг аввалгисидан фарқланадиган жиҳатлари тўғрисида ҳам маълумот берсангиз.

— Амалдаги "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонун ўттиз тўрт моддадан, янги таҳрирдаги Қонун эса қирқ модда ва олти бобдан иборат. Қолаверса, янги таҳрирдаги ҳужжат анча мукаммал, пишиқ-пухта тайёрланган. Яъни, ундаги ҳар бир модда кенг тушунчалар билан батафсил аниқлаштирилади.

Шу ўринда иккала ҳужжатнинг баъзи қисмларини солиштирадиган бўлсак, амалдаги Қонуннинг "Цензурага йўл қўйилмаслиги" деган 4-моддасидан фарқли ўлароқ, янги қонуннинг "Цензурага йўл қўйилмаслиги" деган 7-моддаси "оммавий ахборотни цензура қилиш" тушунчасини батафсил ёритиб беради.

Унга кўра, оммавий ахборотни цензура қилиш деганда, давлат органлари ёки жамоат бирлашмаларининг мансабдор шахслари томонидан журналистга, оммавий ахборот воситаларининг бош муҳаррири, муҳаррири, муассиси, нашири, тарқатувчисига оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган хабарлар ва материалларни олдиндан келишиб олиш талабини қўйиш, шунингдек, хабарлар ва материалларни эълон қилишни тақиқлаб қўйиш ёхуд уларни тарқатишга тўсқинлик қилиш тушунилади. Шу билан бирга, оммавий ахборотни цензура қилиш вазифаси ёки фаолияти юклатиладиган органлар, ташкилотларни ташкил этиш ва молиялаштиришга ҳамда лавозимларни таъсис этишга йўл қўйилмаслиги алоҳида таъкидланади. Бундан ташқари, янги таҳрирдаги Қонуннинг 12-моддаси "Муассис ва таҳририят ўртасидаги шартнома" деган ўн тўртинчи батафсил очиб беради. Чунончи, муассис ва таҳририят ўртасидаги шартномада муассис ва таҳририятнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, оммавий ахборот воситасини тайёрлаш ва чиқариш шартлари, таҳририят фаолиятини молиялаштириш, таҳририят ходимларининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маиший меҳнат шароитларини яратиш, учинчи шахслар билан ўзаро муносабатлар тартиби ҳамда таклифларнинг жавобгарлиги ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартлар белгилаб қўйилиши керак.

Янги таҳрирдаги "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонуннинг аввалгисидан фарқланадиган хусусияти шуки, у даврий нашрнинг электрон шаклини тарқатиш (27-модда) ва даврий босма нашрларга иловаларни тарқатиш (28-модда) тартибини ҳам белгилайди.

— Юқорида муассис ва таҳририят ўртасида тузиладиган шартнома тўғрисида фикр билдирдингиз. Очиғини айтиш керак, бу масала оммавий ахборот воситаларида анчагина баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Чунки кўпгина таҳририятлар ҳанузгача муассиснинг назорати билан иш юритади. Бу эса ўртада айрим келишмовчиликларни, номувофиқликни келтириб чиқармоқда. Янги таҳрирдаги Қонунда муассиснинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қай тарзда белгиланади?

— Амалдаги Қонуннинг "Муассиснинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари" деган 11-моддаси нормалари янги таҳрирдаги ҳужжатда иккита моддада — "Муассиснинг ҳуқуқлари" деган 13-моддада ва "Муассиснинг мажбуриятлари" деган 14-моддада баён этилади.

Янги таҳрирдаги "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонундан муассиснинг оммавий ахборот воситаси ишларини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқи, оммавий ахборот воситасини мулкий мажмуа сифатида бошқа шахснинг ишончли бошқарувига топшириш каби ҳуқуқлари чиқариб ташланди. Муассисга таҳририятнинг бошқарув органларини шакллантиришда қатнашиш, оммавий ахборот воситасининг номидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ушбу номдан бошқа шахсларнинг фойдаланишини тақиқлаш, зарарларни қоплашда қатнашиш каби ҳуқуқлар берилди. Шу билан бирга, муассиснинг реклама тусида бўлмаган хабар ёки материални ўз номидан оммавий ахборот воситасида бепул жойлаштириш ҳамда оммавий ахборот воситасининг чиқарилиши тугатилган тақдирда мол-мулкни олиш ҳуқуқи ўзгартирилмай қолдирилди. Муассиснинг мажбуриятлари жумласига эса ОАВнинг чиқарилишини таъминлашни ва муассиснинг устав фонди ўзгарган, бунинг натижасида чет эл инвестицияларининг устав фондига улуши ўттиз фоизгача ва ундан оширилган тақдирда бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органни хабардор этиш зарурлиги киритилди.

Айни вақтда эса амалдаги Қонуннинг "Муассис ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг тўхтатилиши" деган 11-моддаси ва "Ҳомийларнинг оммавий ахборот воситаларида иштирок этиши" деган 20-моддаси каби нормалари янги таҳрирдаги ҳужжатда йўқ.

Зиёда АШУРОВА
суҳбатлашди.



Қайта ишлаш корхоналарида

"Оққўрғон пахта тозалаш" корхонаси жорий йилда туман пахтакорлари етиштирган 23 минг 58 тонна пахта хомашёсини қабул қилиб олди. Муҳими, уларнинг 96 фоизини юқори сортлар ташкил этади.

Албатта, ишчиларга яратилган қулай шарт-шароит иш сифати ва унумига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, 470 нафар ишчи ва хизматчи меҳнат қилаётган жамоада кунига 35-40 тонна хомашё қайта ишланмоқда.

СУРАТЛАРДА: корхона ҳаётидан лавҳалар.

Ҳусанбой АВВАЛОВ
олган суратлар.

Фахр

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг академик лицейида бу йил ўқишга кирган ўқувчилар яқинда мураббийларимиз билан бирга пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини зиёрат қилдик. Айниқса, «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи бизда катта таассурот қолдирди.

Унутилмас таассурот

Аввало, бугунги мустақиллигимиз учун жонини фидо этган элу юртнинг садоқатли фарзандлари шарафига мана шундай маҳобатли обида яратилгани таҳсинга сазовордир.

Янги ҳаёт остонасига қадам қўяётган келин-куёвларнинг тўй олдидан ёдгорликни зиёрат этиши эса аньанага айланганининг гувоҳи бўлдик. «Шаҳидлар хотираси» музейидаги суратлар, суратли лавҳалар, турли экспонатларни ҳаяжонсиз кўриш қийин эди.

Бу жойда кўрганларимиз ила халқимиз босиб ўтган оғир йилларнинг маъно-мазмунини янада тўкисроқ идрок этдик. Қалбимизда ота-боболаримиз ўз жонларини аямаган шу Ватанни ҳамиша ардоқлаш туйғуси кучайди.

Алишер НУРМАМАТОВ,
ўқувчи.

Марказий Осиё аҳолисининг 65 фоизидан кўпроғи қишлоқ жойларда яшайди ва улар тирикчилигининг асосий, гоҳида эса ягона манбаи суғориладиган ерлардир.

Минтақанинг сув хўжалиги мажмуаси узоқ давр мобайнида тўғонлар, насос станциялари, қудуқлар, узундан-узун ирригация ва мелиорация тармоқлари ва бошқа шу каби объектлардан иборат кўп сонли гидротехник иншоотлардан таркиб топди. Бугун ана шу мажмуа, энг аввало, суғориладиган деҳқончилик эҳтиёжларини қондириш мақсадида лойиҳалаштирилган ва бунёд этилган эди.

Бу жабҳада сув билан кафолатли равишда таъминланиш бош масала бўлиб, унинг ечими бевосита сув ресурсларини уқувли, батартиб бошқариш ҳамда ундан оқилона фойдаланишга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

45 миллионлик аҳоли манфаатлари киборлар иштаҳасидан азизроқдир

Гидрологик жиҳатдан биқиқ ҳолатда бўлган Орол ҳавзасининг географик, иқлимий, иқтисодий ва демографик шарт-шароитлари инобатга олиниб, минтақадаги барча мамлакатлар тегишли илмий-тадқиқот ва лойиҳа-қидирув ташкилотларининг ўзаро ҳамкорликдаги иштирокида турли хил илмий ва лойиҳавий ишланмалар амалга оширилиши орқали сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг ва сув тақсимотининг асосий тамойиллари ишлаб чиқилган. Ва, бу ўзаро келишувлар Амударё ва Сирдарё «Ҳавзаси чизмалари» деб аталмиш ҳужжатларда ўз ифодасини топди.

Мазкур «чизмалар» воситасида давлатлараро ва ички дарёлар қўндоғидан ажратиб олинадиган сувнинг энг охирги миқдорий чегаралари (лимити) ҳамда иқтисодиёт тармоқлари (ичимлик сув таъминоти, энергетика, саноат, балиқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги, экология ва бошқа соҳалар) учун ажратилиб, фойдаланиладиган сув улуши белгилаб берилар эди. Суғориладиган деҳқончиликка таянган қишлоқ хўжалиги соҳасининг ўзига хос шарт-шароитлари (зироатчиликдан етиштириладиган жами маҳсулотнинг 95 фоиздан кўпроғи суғориладиган ерлардан олинади, беистисно барча сув омборларининг иш тартиби ирригацияга бўйсундирилган эди. Ҳар бир сув омборида мавжуд сув ҳажмига мувофиқ равишда уларга суғориладиган ерлар биркитилган эди.

Тасдиқланган Низомга биноан, қишлоқ хўжалиги тасарруфидан бошқа тармоқлар эҳтиёжини қондириш учун муайян миқдорда сув олинадиган бўлса, муқаррар равишда, бунинг оқибатида юз бериши кутилаётган зарарнинг олдини олишга қаратилган қопловчи чора-тадбирлар кўрилар эди. Яъни бундай шароитда, мунтазам равишда, мавжуд ирригация-мелиорация тармоқларида уларнинг фойдали иш самарадорлигини оширишга қаратилган қайта тиклаш, такомиллаштириш юмушлари бажарилар, шунингдек, сувнинг муайян бир қисми берилган тармоқларнинг ҳисобидан сувни тежаш технологияларини жорий этиш амалга оширилар эди.

Айни пайтда, давлатлараро ёки ҳар бир давлат ичидаги тизимлар даражасида сув ресурсларини бошқаришнинг тегишли тузилмалари ҳам қадамма-қадам шаклланиб борди.

Собиқ иттифоқнинг тугаши ва унинг ўрнида Марказий Осиёда бешта янги суверен давлатнинг вужудга келиши вазиятида бу мамлакатларда сув хўжалиги муносабатларида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Сувдан фойдаланиш муносабатларида содир этилиши мумкин бўлган ўзаро келишмовчиликларнинг олдини олиш ҳамда сувдан фойдаланиш механизмларини аниқлаб олиш мақсадида, 1991 йилнинг кузида минтақадаги беш давлат сув ресурсларидан фойдаланиш тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида амалга оширилишини эътироф этувчи декларацияни қабул қилди. Шундан кейин, 1992 йилнинг 18 февралида Алматида «Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон ўртасида сув ресурсларининг давлатлараро манбаларини муҳофазалаш, фойдаланиш ва бошқариш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим» имзоланди ҳамда «Амударё» ҳавза-сув хўжалиги бирлашмаси ва «Сирдарё» ҳавза-сув хўжалиги бирлашмаси деб аталган тегишли ижрочи органларга эга бўлган Давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув хўжалиги комиссияси (ДМСК) тузилди.

Таъкидлаб ўтишга тўғри келадики, минтақадаги айрим мамлакатлар томонидан ДБСК қарорлари тўла ҳажмда бажарилмаётганлиги оқибатида, вақти-вақти билан сув ресурсларини бошқариш масаласида мушкул вазиятлар юзага келмоқда. Айниқса, давлатлараро сув омборларидан белгиланган миқдорда сув ўтказиш талабларига оқилона риоя қилинмаётганлиги вазиятни алоҳида кескинлаштирмоқда. Хусусан, худди шундай сабабларга кўра, ёз пайтларида суғориш учун ажратиладиган сувнинг сунъий танқислиги юзага келтирилмоқда, қиш ойларида эса унинг бемеёр даражада сероблиги натижасида яйловлар, турар жойлар ва бошқа иншоотлар сув остида қолиб кетмоқда.

Бунинг устига, сувдан фойдаланувчи баъзи давлатлар томонидан сув тақсимоти бўйича мавжуд ва барча томонлар тасдиғидан ўтган тамойилларни ва сув хажмини қайта кўриб чиқиш, сув тақсимотида қишлоқ хўжалиги соҳасига тегишли бўлган улушни бошқа тармоқлар эҳтиёжини қондириш мақсадини кўзлаб қисқартиришга оид таклифлар илгари сурилмоқда. Бизнинг назаримизда, сув ресурсларининг танқислиги ўсиб бораётган ҳамда минтақада қишлоқ хўжалиги соҳасида туб ислоҳотлар рўй бераётган бир шароитда бу масалаларга ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ва имкон қадар оқилона ёндошиш талаб қилинади.

Сув ресурсларидан тармоқлараро улушли асосда фойдаланиш бўйича аллақачон шаклланиб бўлган муносабатлар доирасидаги ҳар қандай ўзгариш бусиз ҳам танг вазиятни янада кескинлаштириб юбориши мумкин. Жумладан, сув тақсимотида энергетика соҳаси учун сувни кўпайтириш, суғориладиган ерларни сув билан таъминлашни кескин пасайтирмасдан қолмайди. Ҳолбуки, суғориладиган ерлар, сўзнинг чин маъносида, 45 миллионлик аҳолининг ризқи-рўзи манбаидир.

Бу одамлар минтақа аҳолисининг етакчи қисми манфаатларини менсимасдан, халқаро сув манбаларида ГЭСлар учун қўшимча каскадлар қурилишини режалаштираётган айрим кибор гуруҳларнинг худбинларча хатти-ҳаракатларининг лоқайд кузатувчилари бўлиб қололмайдилар.

45 миллионлик аҳоли манфаатининг устуворлиги давлатлараро сув манбаларидаги сув ресурсларидан фойдаланишда бош мезондир ва бундай катта аҳолининг ҳуқуқлари билан ҳисоблашишга тўғри келади.

Нарзулла ҲАМРОЕВ.



Машиналар ғув-ғув қатнаётган катта йўл ўртасида ўз хизмат вазифасини бажараётган ДАН ходимига дуч келдик. У қидираётганларимиз номини айтишимиз биланоқ, бу ерга нега келганимизни англади. "Чойхонадан қувилган отахонларни айтяпсиз-да" деди-ю, бизни бекатда гурунглашаётган бир гуруҳ қарияларга рўбарў қилди. "Сиз қидираётган шикоятчилар биз бўламиз. Мана, кўриб турганингиздек, бизни чойхонага киритмай қўйишганидан буён кунимиз шу ерда — бекатда ўтаяпти".

Мактуб йўлга чорлади



Гап шундаки, отахонлар яқинда таҳририятга шикоят хати йўллашган. Унда Ўрта Чирчиқ тумани Охунбобоев номли ширкат хўжалигидаги чойхонанинг ёпилгани тўғрисида қуйиниб ёзилганди:

"Ширкатимиз ҳудудида қарийб 60 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган чойхона йиғилишиб гурунг қиладиган ҳордиқ масканимиз эди. Бир ойдирки, бизни у ерга киритишмаяпти. Кейин билсак, чойхонани сотиб олган шахс — хўжалигимиздаги Ҳ. Ваҳобов унинг эшигига қулф солган экан. Юртбошимиз, ҳукуматимиз қарияларни қадрлаб, иззат-икром кўрсатаётган бир пайтда бизнинг бу қадар камситилишимиз адолатданми?"

ИНСОФ САРИ БАРАКА

— Зерикдик дегунча тўғри шу ерга келиб, кўнгил ёзардик, — дейди Тешавой ота Мирзаев бизга дилини очаркан. — Халфана паловну, аччиқ кўк чой устида мириқиб суҳбат қурардик. Қариган сари кўнгил ҳам нозиклашиб бораверяркан. Уйда ўтириб, баъзан невара-чеваранинг хархашасини юрак кўтармай қолганида чойхона жонимизга оро кирарди-да, ахир. Мана, яқин бир ойдан бери унинг атрофи девор билан ўралиб, дарвозаси тамбаланган.

Суриштирсак, 2005 йилнинг март ойида чойхона шу хўжаликда 1974 йилдан фаолият юритиб келаётган механизатор, хўжалик аъзоси Ҳаким Ваҳобовга сотилган экан. Икки ярим миллион сўм деб баҳоланган "Қариялар чойхонаси" шу йилдан эътиборан Ҳ.Ваҳобовга бириктирилиб, хусусий мулкка айланган. Ҳужжатларни кўздан кечирганимизда бари қонуний, ҳаммаси ҳисоладагидек. Бироқ:

— *Аввалига чойхонанинг сотилгани-ю, унинг кимнингдир номига расмийлаштирилгани билан ҳеч ишимиз бўлгани йўқ, — дейди Абдумажид хожи Йўлдошев. — Лекин орадан бир йил ўтиб, ҳеч қандай эътирозлар қулоққа чалинмаганидан сўнг чойхонани девор билан ўраб, унга қулф солингач ўйланиб қолдик. Ахир, бу маскан ўз-ўзидан сотилиб кетмагандир, уни Ҳаким Ваҳобовга бир кун келиб қарияларни ҳайдаб солсин, дея бириктириб беришмагандир? Даъво қилсак, бизда ҳам асос бор: чойхона олди-сотдиси жараёнида биз қарияларнинг розилигимизни олиш у ёқда турсин, унинг сотилишидан ақалли бохабар этилмаганмиз. Шунча йил давомида ширкатнинг мулки ҳисобланган чойхонанинг сотилаётганидан биз — ширкат аъзолари хабардор бўлишимиз керакмиди, ахир?*

Аниқлик киритиш мақсадида мулк эгаси Ҳ.Ваҳобовга мурожаат қилдик. Унинг айтишича, қариялар ўз вақтида чойхона хусусийлаштирилаётганидан хабардор этилган. Чойхонанинг девор билан ўраб олинишига эса хавфсизлик масаласи сабаб бўлган. Дарвозага қулф солинганининг важи — таъмирлаш ишлари олиб борилаётган экан. Айтажак фикримиз тарафкашликдан дарак бермасину биз чойхонага ташриф буюрганимизда бу ерда бирор бир устанинг ишлаётганига гувоҳ бўлмадик. Унинг тевараги аллақачон девор билан ўраб бўлинганини ҳисобга олмаганда, бу ерда таъмирлаш ишлари олиб борилмаётгани, қолаверса, чойхонанинг таъмирга муҳтож эмаслиги яққол кўриниб турибди.

Ҳар икки томон, яъни шикоятга имзо чеккан отахонлар ва мулкка эгалик қилаётган шахсни юзлаштирдик. Ва юзлашувдан салгина фурсат аввал бизга қарияларнинг олди-сотди жараёнидан бохабар этилгани ҳақида ҳеч иккиланмай сўз қотган Ҳ.Ваҳобовнинг ёлғон гапиргани маълум бўлди. Отахонлар гувоҳлигида ундан мулк хусусийлаштирилаётганида маҳалла аҳли хабардор этилганми ёки йўқлиги ҳақида такрор сўрадик, у эса мулзам тортди. Чойхонанинг хусусийлаштирилганини тасдиқловчи ҳужжатларда тилга олинган умумий мажлис пайтида отахонларнинг фикри билан ҳеч ким қизиқмаганини энди Ҳ.Ваҳобов инкор этолмади.

Аслида масаланинг яна бир жиҳати кишини кўпроқ ўйлантиради. Ширкат хўжалиги раиси, туман ер ресурслари бошқармаси бошлиғи аталмиш мутасадди шахслар йиллар давомида халқнинг мулки ҳисобланиб келинган чойхонани ўз билгича сотишдан аввал ҳеч қурса, шу ерни макон тутган отахонлар розилигини олишса бўлмасмиди? Ёки бир жойга бориб қолган қарияларни шикоят ёзишга мажбур қилган сабаб ҳам иззат-нафс, ҳамиятга теверса, бизни эса кўксимиздан итаришса, хафа бўлмаймизми? Эҳтимол, чойхона бундан кейин қаҳвахона ёки ошхонага айланар, эгасига яхшигина даромад ҳам келтирар. Лекин биз-чи, биз қариялар учун янги чойхона қуриладими? Балки аллақачон қурилгандир, яна одатдагидек, биз бехабар қолдикмикан?!

Шу саволларга жавоб истаб, ширкат хўжалиги раисининг ҳузурига ошиқдик. Бироқ идорада кўринмаган раис бувани кутдик, лекин учратолмадик. Учратганимизда саволларимиз бор эди. Хўш, энди қишлоқда отахонлар учун янги чойхона қуриладими? Ёки у хусусийлаштирилгани туфайли қариялар сарсонлигича қолаверадими? Мулкни хусусийлаштириш дегани кимгадир фойда-ю, кимни эса сарсон қилиш деганимасдир, ҳарқалай?! Ахир, қариялар уйнинг, маҳалланинг, юртнинг кўрки, фариштаси эмасми? Қариган чоғида уларга иззат-икром кўрсатиш, дуосини олиш савобнинг улуғи-ку? Эскисини йўққа чиқаришдан аввал нега ширкат хўжалиги мутасаддилари қариялар учун янги чойхона қуришни ўйлаб кўришмади экан? Бу можарони қаламга олиш билан қон-қонимизга сингиб кетган одамийлик, каттага эҳтиром кўрсатишдек бебаҳо хислатларимиздан юз ўгириш ўринли эмаслигини эслатишга жазм этдик. Зеро, ёши улуғ отахонларнинг дилини оғритиш эмас, улар кўнглига йўл топиш, бошимизга кўтариб ардоқлаш бизга фарз. Ана шу ёзилмаган қонунни унутмасак бўлгани...

Муборак ОХУНОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

54-модда.

Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Ер юзининг сайқали — Самарқанд тарихи бежизга йигирма етти асрга бориб тақалмайди. Ҳар бир кўча, ҳар бир бино, ҳар бир уй ва дарахтнинг ўз тарихи бор бу шаҳарда. Вилоят давлат архивида бўлсангиз мозийдан сўзлагувчи жуда кўп ноёб ҳужжатларга дуч келасиз, улар узоқ ўтмишимизнинг нақадар бой эканлигидан дарак беради.

Мозийдан садо

Зарвараққа айланган қоғозлар

Бу ҳужжатлар келажак авлод учун асрабавайлаб сақланади. Тарихни ўрганмоқчи бўлган кишилар, мутахассислар, ёшларимиз бу ерга келиб ўзлари учун зарур маълумотларни олишлари мумкин. Зеро, тарихни билмай, келажакни белгилаб бўлмайди.

Мирзо Улуғбек мадрасаси меъморчилик санъатининг бебаҳо намунаси сифатида аждодларимизнинг тенгсиз ақлзаковатидан гувоҳлик бериб турибди. Надоматлар бўлсинким, иттифоқ даврида бу тарихий обидага эътибор берилмади, қаровсиз қолдирилди. Пўлат арконлар минорани ўн йиллар давомида қулашдан сақлаб турди. Албатта, миноранинг бугунги ҳолати 40 йил аввалги қиёфасидан буткул фарқ қилади. Бугун у янгича кўринишда, кўзни қамаштиради.

Трамвай ва троллейбусларнинг шаҳар кўчаларида қачондан юра бошлагани ҳам кўпчиликни қизиқтириши табиий. Узоқ йиллар мобайнида одамлар узоғини яқин қилган бу арзон ва қулай транспорт воситалари пайдо бўлишининг ҳам ўз тарихи бор. Архив ҳужжатларида бу саналарни ҳам топиш мумкин.

Юз йиллик тарихимизга оид маълумотлар, фактлар, воқеа-ҳодисалар, тарихнинг ўчмас хотиралари, барча-барчаси вилоят давлат архиви фондларида мужассамлашган. Мозийга қайтиб иш кўриш хайрли, деганларидек, тарих ёш авлод қалбида ота-боболар ҳаётига ҳурмат, Ватанга садоқат туйғуларини уйғотиши табиий.

Феруза ҚУЛМАТОВА,
Самарқанд вилояти давлат архиви ходимаси.

Ҳужжатлар сўзлайди



Таҳририятга келган шикоят хати

Биз истиқомат қиладиган Тошкент вилояти "Олмослик" қўрғонида жойлашган 93908-сонли ҳарбий қисмга қарашли 58-ҳарбийлар яшаш шаҳарчасини Республика Мудофаа вазирлиги Тошкент шаҳар Ҳамза тумани, Илтифот кўчасидаги 41564-сонли ҳарбий қисмга қарашли 58"а"-ҳарбийлар яшаш шаҳарчаси билан чалкаштириб, унга "ёпиқ ҳарбий шаҳарча" мақомини берди. Шу туфайли 58-ҳарбийлар яшаш шаҳарчасидаги 400 нафарга яқин фуқаро Ҳамза тумани 58-"а"ҳарбийлар шаҳарчасидаги уй-жойларга ноқонуний равишда рўйхатдан ўтказилмоқда. Шаҳарчамизда ўзини-ўзи бошқариш органи ташкил этишнинг имкони бўлмаяпти. Бу ерда милиция таянч пункти йўқ. Огоҳлик масалалари эътиборсиз қолдирилаяпти. Бизга ушбу муаммони ҳал этишда ёрдам беришингизни сўраймиз.

Б.ТОШМУҲАМЕДОВ
ва бошқалар.
Тошкент вилояти.

Таҳририятга келган расмий жавоблар

***58**-"а" ҳарбий шаҳарча 1998 йил Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан тасдиқланган ҳужжатга асосан "ёпиқ ҳарбий шаҳарча" мақомини олган.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 4 апрелдаги 180-сонли Қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида"ги қоидага мувофиқ ёпиқ ҳарбий шаҳарчалар ҳудудида жойлашган уй-жойлар хусусийлаштирилмайди. Қолаверса, Ҳамза тумани 58-"а" ҳарбий шаҳарча ҳудудида жойлашган уй-жойларнинг амалдаги қонун талабларига кўра хусусийлаштирилиши мумкин эмаслиги тўғрисида Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича судининг 2004 йил 12 октябрда қабул қилинган ажрими мавжуд. Шунингдек, 58-"а" ҳарбий шаҳарчани "ёпиқ ҳарбий шаҳарча" тоифасига киритиш бўйича ўтган йили мудофаа вазирининг буйруғи тасдиқланган.

Юқоридаги меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда аризада келтирилган илтимосларнинг бажарилиши имкони йўқлигини маълум қиламиз.

И.ИНОЯТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бошқарма бошлиғи.

Фуқаро Б.Тошмуҳамедов муқаддам ҳам турли идораларга, жумладан, ҳарбий прокуратура органларига мурожаат қилиб, 58-"а" ҳарбий шаҳарнасидаги хизмат юзасидан берилган хонадонни хусусийлаштириш учун рухсат сўраган. Лекин ёпиқ ҳарбий шаҳарчалар мақомини белгиловчи қонунчилик меъёрий ҳужжатлари асосида унга рад жавоби берилган.

Мудофаа вазирлигининг 2005 йил 14 июлдаги буйруғида ёпиқ ҳарбий шаҳарчаларнинг мақоми белгиланиб, 58-"а" ҳарбий шаҳарча ҳам "ёпиқ ҳарбий шаҳарчалар" рўйхатига киритилган. Мазкур ҳарбий шаҳарчада жойлашган бинолар ва иншоотлар тўлиғича 93908-ҳарбий қисм балансига берилган бўлиб, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари Тошкент уй-жойдан фойдаланиш қисми томонидан амалга оширилади. Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича судининг 2004 йил 12 октябрь кунидаги қарорига кўра, фуқаро Б.Тошмуҳамедовнинг 58-"а" ҳарбий шаҳарчадаги уй-жойини хусусийлаштириш ҳақидаги даъвосини қаноатлантириш рад этилган.

С.ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурорининг ўринбосари, адлия подполковниги.

Қайта шикоят

Расмий жавобларда бизнинг 58-ҳарбийлар шаҳарчаси 58-"а" шаҳарча дея чалкаштирилиб, унинг "ёпиқ ҳарбий шаҳарча" сифатида рўйхатга киритилгани айтилган. Аслида у "ёпиқ ҳарбий шаҳарча" мақомини олганлар рўйхатига киритилмаган.

Жавобларда Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Илтифот кўчасида жойлашган 58-"а" ҳарбий шаҳарча 41564-ҳарбий қисм жойлашган 58-"а" ҳарбий шаҳарча деб юритилган. Амалдаги қонунчиликда Мудофаа вазирлигига қарашли ёпиқ ҳарбий шаҳарчаларнинг тартиб рақами Мудофаа вазирлиги томонидан эмас, аксинча жойларда ободонлаштириш бошқармаси томонидан белгиланади. Ҳамза тумани ободонлаштириш бошқармаси томонидан эса Ҳамза тумани Илтифот кўчасидаги ҳарбий шаҳарчага 58-"а" тартиб рақами берилмаган. Аслида Мудофаа вазирлиги таркибида битта 58-ҳарбий шаҳарча мавжуд. Бироқ 1977 йилда Тошкент шаҳар кенгаши ижроия қўмитасининг қарори билан Ҳамза тумани Илтифот кўчасида жойлашган 58-ҳарбийлар яшаш шаҳарчасининг тартиб рақами 58-"а" ҳарбийлар яшаш шаҳарчаси деб кўрсатилгани ҳолда Туркистон ҳарбий округига бириктирилган.

1993 йилда 58-"а" сонли ҳарбийлар яшаш шаҳарчасидаги уй-жойлар 58-тартиб рақами билан кўрсатилиб, Мудофаа вазирлиги рўйхатидан ўчирилган ва Ҳамза тумани тасарруфига ўтказилган ҳамда мингдан ортиқ уй-жойлар хусусийлаштирилган.

Чалкашлик оқибатида Тошкент вилоятида жойлашган 93908 сонли ҳарбий қисмга қарашли 58-сонли ҳарбийлар яшаш шаҳарчаси ҳудудида жойлашган 108 хонадон эгасиз бўлиб қолган.

Тошкент шаҳар фуқаролик судининг 2004 йил 12 октябрдаги ажримида 58-"а" ҳарбийлар шаҳарчасидаги уй-жойни хусусийлаштириш мумкин эмаслиги кўрсатилган. Бизнинг 58-ҳарбийлар шаҳарчасига эса бу ажримнинг алоқаси йўқ.

Шу каби чалкашликлар билан аризамиз қаноатлантирилмади. Хўш, мутасаддиларнинг бундай жавоб хатларидан қандай қилиб қониқиш ҳосил қилайлик?

Б.ТОШМУҲАМЕДОВ.
Тошкент вилояти.

Таҳририятдан:
Ўйлаймизки, чалкашлик барҳам топиб, аҳолига аниқ жавоб берилади.

СЎЗ СИЗГА, ГАЗЕТХОН



Хазонинг ҳам азиз бизга, кузгинам...

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ сурат-лавҳаси.

Мулоҳаза

Ҳар бир жамият аъзосини ёшлар тақдири, юрт келажаги қизиқтириши табиий. Биз, кексалар телеэкранлардаги айрим кўрсатув ва томошалар, айниқса, намойиш этилаётган енгил-елпи куй-қўшиқларни кўриб ташвишланамиз.

Ҳар жабҳада тарбия зарур

Чунки, булар фарзандларимиз маънавиятига салбий таъсир этиши мумкин. Ахир зирак ва занжир тақинчоқлар таққан йигитлару, очиқсочиқ кийинган қизларнинг маъносиз сўзлардан иборат қўшиқларини оқлаб бўладими?

Хоҳлардимки, «Заковат», «Ўйла, изла, топ», «Қилни қирқ ёриб», «Олтин тож» сингари кўрсатувлар кўпайиб, томошабин эътиборига ҳавола этилса, айни муддао бўларди. Нима бўлганда ҳам эртанинг ворислари — ёш авлод намунали тарбия топишининг тарафдоримиз.

Ойгул УСМОНОВА
ва бошқалар.
Деҳқонобод тумани.

Савол сиздан...

Нафақадан маҳрум этишди

Бундан ўн йил аввал бахтсиз ҳодиса туфайли биринчи гуруҳ ногирони бўлиб қолдим. Шу аҳволда бир амаллаб ўқишга қатнаб, дипломли ҳам бўлдим. Лекин ишга лаёқатсизлигим сабабли ҳеч бир ерда фаолият юрита олмадим. Шу кунгача ногиронлик нафақасини олиб келар эдим. Жорий йилдан бошлаб эса иш стажим йўқлиги учун нафақа пули бериш тўхтатилди. Шу тўғрими?

Ёқубжон РАҲМОНҚУЛОВ.
Пскент тумани.

Қонунда айтилишича...

1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ:

— иш жараёнида майиб бўлган ёки касб касаллигига учраганда бериладиган ногиронлик нафақаси иш стажидан қатъи назар;

— умумий касаллик туфайли бериладиган ногиронлик пенсиялари ногиронлик бошланган пайтга қадар ёшига нисбатан белгиланган иш стажига эга бўлганда;

— 20 ёшга тўлгунга қадар умумий касаллик туфайли иш даврида ёки ишлаш тўхтатилгач ногирон бўлиб қолган шахсларга пенсиялар иш стажидан қатъи назар тайинланади.

— Умуман иш стажига эга бўлмаган умумий касаллик бўйича ногиронларга эса нафақа тайинлаш Қонунда назарда тутилмаган.

М. ЗИЯДУЛЛАЕВ,
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бошқарма бошлиғи.

Миннатдорлик

"Қил кўприк" — «ЗЎР КЎПРИК» БЎЛДИ



Неча йиллардан буён биз истиқомат қилаётган Чортоқ тумани Короскон қишлоғидаги кўприк одамларнинг юриши учун хавф туғдирар эди.

Ўйлаб-ўйлаб охири газетага мурожаат қилиб ушбу масалада ёрдам сўрадик. Шикоят хатимиз асосида "Халқ сўзи" газетасининг 2005 йил 13 октябрь сонида "Қил кўприк" сарлавҳали танқидий мақола чоп этилди.

Шундан сўнг туман ҳокимлигининг ташаббуси билан таъмирталаб аҳволдаги кўприкни қайтадан қуришга эътибор қаратилди. "Чортоқ" машинасозлик ҳиссадорлик жамияти, Марказлашган қурилиш бошқармаси, Чортоқ механизациялашган қурилиш корхонаси ширкат хўжаликларининг беминнат хизматлари эвазига мустаҳкам кўприк барпо этилди. Бундан биз жуда мамнун бўлдик. Масалага алоҳида эътибор қаратган газета таҳририяти ва мутасаддиларидан беҳад миннатдормиз.

Жойлардаги муаммолар шу тариқа вақтида ўрганилиб, аҳоли эътирози қондирилса, нур устига нур-да.

Х.ТЎРАБОЕВ
ва бошқалар.
Наманган вилояти.

СУРАТЛАРДА: "қил кўприк" ва "зўр кўприк".

Спорт

Ассалом, Осиё ўйинлари!

1-15 декабрь кунлари Қатар пойтахти Доха XV Осиё ўйинларига мезбонлик қилади. Дарҳақиқат, Осиё ўйинлари қитъанинг энг нуфузли спорт мусобақаларидан саналади. У навбатдаги Олимпиада ўйинлари олдидан спортчилар учун ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ҳам ўтайди. Дохада иштирокчилар 46 спорт тури бўйича медаллар учун курашадилар.

Миллий Олимпия қўмитасида ўтказилган матбуот анжуманида мамлакатимиз спортчиларининг ана шу нуфузли мусобақага тайёргарлиги ҳақида гап борди. Юртимиз спортчилари Осиё ўйинларида доимо пешқадамлар сафида юришган. Бу йил ҳам улар олдига катта мақсадлар қўйилган. Таъкидланганидек, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси ва бошқа тегишли ташкилотлар томонидан ушбу йирик спорт анжуманида қатнашадиган ҳамюртларимиз учун барча шароитлар яратиб берилди. Ўқув-йиғин машғулотлари меъёрида ўтказилди. Қисқаси, вакилларимизнинг кутилган натижаларга эришишлари учун зарур бўлган барча ишлар қилинди.

XV Осиё ўйинларида Ўзбекистондан 335 нафар вакил қатнашади. Улардан 246 нафари спортчилардир. Мусобақада юртдошларимиз бокс, дзюдо, юнон-рум ва эркин кураш, каратэ, ушу, спорт ва бадиий гимнастика, сузиш, синхрон сузиш, сувга сакраш, академик эшкак эшиш, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, теннис, стол тенниси, ўқ отиш, велоспорт, триатлон, оғир атлетика, енгил атлетика, боулинг, трамплин, таэквондо, баскетбол (эркаклар), футбол, қўл тўпи (аёллар ва эркаклар), сув полоси, қиличбозлик, велоспорт, шахмат каби жами 32 спорт тури бўйича ўз кучларини синовдан ўтказадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзбекистонлик спортчилар боулинг, триатлон, ушу, қўл тўпи, шахмат ва трамплин бўйича Осиё ўйинларида илк бор иштирок этади. Шунингдек, миллий қадриятимиз — кураш бўйича ҳам кўргазмали мусобақалар бўлиб ўтади.

Чирчиқ Олимпия захиралари коллежида 25-27 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишлаб, Республика гимнастрада фестивали бўлиб ўтди.

Гимнастрада фестивали

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, республика Хотин-қизлар қўмитаси, Бадиий гимнастика федерацияси ва бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида илк бор уюштирилган мусобақада барча вилоятлардан келган 250 нафардан зиёд спортчи иштирок этди.

Гимнастрада — бадиий ва спорт гимнастикаси, аэробика, акробатика, трамплин каби гимнастиканинг барча йўналишлари, фольклор, замонавий рақсни ўзида мужассамлаштирган жозибадор спорт туридир. Гимнастраданинг дунёда миллионлаб мухлислари бор.

— Гимнастрада Ўзбекистонда ҳам оммалашиб бораётир, — деди мусобақанинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан Бош вазир ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова.— Гимнастрадачиларимиз кўплаб хорижий мамлакатларда ўтказилган фестивалларда тажриба ошириб қайтишган.

Мусобақа сўнгида ғолиблар ташкилотчилар томонидан махсус совғалар билан тақдирландилар.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
С. ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.

FIFA

Кейинги 30 йил давомида Осиё футбол конфедерациясига бош котиблик қилган Дато Питер Велаппан истеъфога чиқди. У 1977 йилдан буён шу лавозимда ишлаб келаётган эди.

ОФК бош котиби истеъфога чиқди

Ўзбекистон футбол федерацияси ахборот-таҳлил бўлимидан олинган хабарда айтилишича, жаноб Велаппан ўз иш фаолияти давомида қитъамизда футболнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшди. Саноқли мамлакатлар билан иш бошлаган конфедерацияга бугун 46 мамлакат аъзо бўлган.

Эрон терма жамоаси «ўйиндан ташқари ҳолатда»

FIFA президенти ва қитъавий конфедерациялари раҳбарларидан иборат махсус қўмита Эрон футбол федерациясини 22 ноябрдан бошлаб халқаро футбол мусобақаларидан бутунлай четлатиш ҳақида қарор қабул қилди.

Махсус қўмита томонидан чиқарилган қарор Эрон футболида юз бераётган нохуш воқеалар, FIFA низомининг қўпол равишда бузилиши билан изоҳланади.

Нима бўлганда ҳам, XV Осиё ўйинларидаги футбол мусобақалари Эрон терма жамоасисиз ўтадиган кўринади.

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ

"Давлат статистика ҳисоблари шакллари ва уларни тўлдириш йўриқномалари"ни нашр қилиш бўйича

САВДО (ТЕНДЕР) ТАНЛОВИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Буюртмачи — *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.*

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотлар қуйидаги шартларга мос келишлари, яъни зарур касбий ва техник имкониятларга, ишончлиликка, тажриба ва ижобий нуфузга, шунингдек, шартнома (контракт) тузиш учун фуқаролик ҳуқуқий лаёқат ҳамда ваколатга эга бўлиши керак.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчиси — Давлат статистика қўмитасига ёзма равишда мурожаат қилиш керак.

Манзил: Тошкент ш., Буюк Ипак Йўли к., 63-уй, 614-хона.
Телефон: 150-50-85, факс: 150-50-88.
(Тендер комиссияси котиби — Корчагина Алла Николаевна).



Савдо ташкилотчиси томонидан таклиф (оферта)лар конвертларда мухрланган ҳолда қуйидаги манзилда қабул қилинади:
Тошкент ш., Буюк Ипак Йўли к., 63-уй, 614-хона.
Телефон: 150-50-85, факс: 150-50-88.
(Тендер комиссияси котиби — Корчагина Алла Николаевна).

Савдо ташкилотчисига таклиф (оферта)ларни тақдим этишнинг сўнгги муддати — таклиф (оферта)лар очиладиган куни соат 11.00 ҳисобланади. Таклиф (оферта)лар эълон чиққандан 10 кун кейин Тошкент ш., Буюк Ипак Йўли к., 63-уй, 312-хонада соат 16.00 да очилади.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

2006 йил 28 декабрь — **ЭЪЛОН!** — соат 10.00 да

ВШ-605	"Ғиждувон — Учқудуқ", икки томондан
ВШ- 704	"Оқтош — Жизмон", икки томондан
ВШ-705	"Мирбозор — Мавлон", икки томондан
ВШ-776	"Қарши — Термиз", икки томондан
ВШ-804_ЙТ	"Қарши — Самарқанд", икки томондан
ВШ-817_ЙТ	"Зомин — Тошкент", икки томондан
ВШ-818_ЙТ	"Шаҳрисабз — Тошкент", икки томондан
ВШ-835_ЙТ	"Марғилон — Андижон", икки томондан
ВШ-983_ЙТ	"Ғиждувон — Зарафшон", икки томондан
ВШ-1030_ЙТ	"Ғиждувон — Қизилтепа", икки томондан
ВШ-1044_ЙТ	"Тошкент — Яккабоғ", икки томондан
ВШ-1056-Б_Т	"Тўрткўл — Тошкент", икки томондан
ВШ-1082	"Жарқўрғон — Тошкент", Жарқўрғон томондан
ВШ-1091	"Шеробод — Тошкент", икки томондан

шаҳарлараро-вилоятлараро автобус ва йўналишли такси йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер ўтказилади.

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарлараро йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тузилган шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очиқ тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича **идоралараро комиссия.**

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар **идоралараро комиссияга** тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги "Турон" АТБдаги 20210000000745005012 махсус ҳ/р (банк коди 00446, ИНН 202811527, ХХТУТ 97300)га 25 минг сўм ўтказиб, 2006 йил 23 декабргача буюртма беришлари лозим.

Идоралараро комиссия тендер таклифларини 2006 йил 27 декабрь соат 14.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили:
Тошкент ш., Усмон Юсупов к., 3-уй, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги мажлислар зали.

Маълумот учун телефонлар: 142-56-27, 142-18-10.

РЕСПУБЛИКА КЎП ТАРМОҚЛИ АГРОСАНОАТ БИРЖАСИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2006 йил 25 декабрь куни соат 11.00 да Республика кўп тармоқли агросаноат биржаси Самарқанд филиалининг савдолар залида объект бошланғич баҳоси юқорилаб борувчи тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Савдоларга қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

Суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлинмаси томонидан хатланган

Самарқанд шаҳар, Кимёгарлар қўрғончасида жойлашган «АНК-16» МЧЖга қарашли бўлган 15 номдаги бино ва иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 52 941 951 сўм.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган харидорлар Республика кўп тармоқли агросаноат биржаси Самарқанд филиалининг ҳисоб рақами 20208000504460401001, МФО 00284, СТИР 206074208, АТБ «Парвина банк»ига объект бошланғич баҳосининг 10% (фоиз) миқдоридаги закалат пулини тўлашлари лозим.

Аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш аукцион савдоси бошланишига 1 кун қолганда соат 11.00 да тўхтатилади.

Қўшимча маълумотлар учун Республика кўп тармоқли агросаноат биржаси Самарқанд филиалига мурожаат қилиш мумкин. Манзил: Самарқанд ш., М.Улуғбек к., 148-уй. Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси биноси 1-қават, 3-хона. Телефонлар: 234-06-38, 241-59-01, 216-59-51.

ДХО «ТОШОР-ТЕХСЕРВИС»
производит ремонт:
плунжерных пар, коленчатых валов, топливной аппаратуры и других агрегатов к дизельным двигателям
А01, А-41, Д-243, Д-144, ЯМЗ-236, ЯМЗ-238 КАМАЗ, КЕЙС, КАММИНЗ, МЕРСЕДЕС, ЛИПХЕР, КАТЕРПИЛЛЕР, ПЕРКИНС, Т-100, Т-130, Т-150 И ДР.
Ремонт электродвигателей 0,5 - 1000кВт
РЕМОНТ, ПРОДАЖА, ПОКУПКА, ОБМЕН
г. Ташкент, Хамзинский р-н, ул. А. Каримова, 5. Ориентир – (ул. Фаргона йули, 505) – завод.
Тел./факс: 191-60-59, 390-88-73, 390-32-67 - бух., 390-95-24.

«Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ахборотномаси»га 2007 йил учун ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Ахборотнома саҳифаларида йил давомида:
- *хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлар фаолияти ҳамда хўжалик ишларини судларда кўриш билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатлари;*
- *Олий хўжалик суди пленуми ва раёсати қарорлари, кассация инстанцияси қарорларидан кўчирмалар;*
- *хўжалик судлари суд амалиёти тафсилотлари;*
- *чет эл арбитраж ва иқтисодий судлари тажрибаси;*
- *қонунчиликни амалиётда қўллашга оид ҳуқуқшунос олимлар ва судьяларнинг чиқишлари.*

Обуна «Матбуот тарқатувчи» АКнинг барча бўлимларида 908 ва 909 индекслари орқали амалга оширилади. Шунингдек, таҳририят билан тўғридан-тўғри шартнома орқали обуна бўлишингиз мумкин.
Маълумот учун телефонлар: 367-91-66, 367-96-60.

Российский линолеум
Производство ЩекиноАзот г. Тула, Стройпластмасс г. Ульяновск
тел. 134-48-11
факс 134-49-58

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

СОЛИҚ ВА БОЖХОНА НИЗОЛАРИ
ТУРЛИ МУРАККАБЛИКДАГИ ХЎЖАЛИК НИЗОЛАРИ
СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШДА ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ
ҲУҚУҚИЙ МАРКАЗИ АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ «ҲИМОЯ»
Тошкент: (371) 133-11-13, 175-63-72, 301-33-15
Самарқанд: (3662) 33-30-99
Бухоро: (365) 223-63-72, 223-68-85
Навоий: (436) 730-99-80
Қарши: (371) 175-63-72
ТЎЛОВ НАТИЖАЛАР БЎЙИЧА

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ҳайъати «Ўзавтотранстаъминот» Республика концерни бошқаруви раиси Саидакмал Ғаниевга онаси **МАРПУАХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзтранссаноат» Республика уюшмаси кенгаш аъзоси ва «Ўзавтотранстаъминот» Республика концерни бошқаруви раиси Саидакмал Ғаниевга волидаи муҳтарамаси **МАРПУАХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1357. 21071 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5